



№28 (881)  
2025 йил 4 апрель,  
жума

# ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKOR

ijtimoiy-  
iqtisodiy  
gazeta

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли пунктларини реконструкция қилиш ва ободонлаштиришда, ижтимоий инфратузилма объектларини жойлаштиришда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кучайтириш, шунингдек, коммуникация тармоқлари химоя ҳудудларидаги ноқонуний қурилмаларни бузиш билан боғлиқ суд қарорлари ижросини таъминлаш ва ушбу ҳудудларда келиб чиқиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларни олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда давлат архитектура назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг қучга кириши санаси 2025 йил 27 июнь этиб белгилансин:

2. Шаҳарсозлик соҳасидаги қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва ноқонуний қурилмаларни аниқлаш ҳамда бартараф қилишни ташкил этиш бўйича **Республика комиссияси** (кейинги ўринларда - Республика комиссияси) ташкил этилсин ҳамда унинг таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
- Қуйидагилар Республика комиссиясининг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

3. Республика комиссияси **икки ой мuddатда** коммуникация тармоқлари химоя ҳудудларида жойлашган узоқ мuddат давомида объектив сабабларга кўра бузилмасдан турган ҳар бир ноқонуний қурилмаларнинг ҳолатини ишчи гуруҳ туган ҳолда ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш юзасидан қисқа мuddатли дастурни тасдиқласин.
4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

5. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурдаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги давлат космик мониторинги доирасида ер участкаларининг олинган аэрокосмик суратларини Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига ҳар йили бир мартаба бепул тақдим этиб бурсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазир** **А. АРИПОВ**  
Тошкент ш.  
2025 йил 28 март  
192-сон

Қарор иловалари газетанинг 2-3-бетларида.

Самарқанд шаҳрида 3-4 апрель кунлари “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтмоқда.

Илк бор ўтказилаётган саммитда Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳамда амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтаётган саммит ишида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозғиғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов иштирок этишмоқда.

### Кўрик-танлов

## “ЭНГ ЯХШИ БОШҚАРУВ ОРГАНИ” танловининг ғолиби ким бўларкин?



**Собиқ УЖМШлар ўрнида кўп қаватли турар жойларда яшовчилар учун хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш, ҳудудларни обод манзилларга айлантириб, замон талабларига жавоб берадиган ишларни ташкиллаштиришга йўналтирилган Президентимизнинг тегишли ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича уларнинг ўрнида бошқарув сервис компаниялари фаолияти йўлга қўйилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, янги тизим орқали амалга оширилган саяё-ҳаракатлар қутилганидан ҳам яхши самара бермоқда.**

Бошқарув сервис компаниялари фаолиятини янада жонлантириш ва уларни маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан бир неча тадбирлар ташкил этилмоқда. Республика миқёсида илк бор ўтказилаётган “Энг яхши бошқарув органи” танлови ҳам ана шуларнинг мантйқий давомидир. Тадбирнинг дастлабки босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича ўтказилди. Бу жараёнда кимнинг ким экани, ўз бошқарувидаги компанияси орқали аҳолига

коммунал хизматлар кўрсатиш қандай йўлга қўйилгани яққол кўриниб, ҳудудлар босқичида ғолибликни қўлга киритганлар сўнгги ҳал қилувчи республика босқичида иштирок этиш учун курашга киришишди.

Икки кун давом этдиган мазкур кўрик-танловда иштирок этиш учун 16 та бошқарув сервис компанияларининг раҳбарлари ва уларнинг ёрдамчилари кеча Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Компентенцияни ривожлантириш институти биносидан тўпланишди. Тадбир

бошланиши аввалида вазирликнинг масъул ходимлари, ОАВ вакиллари ва кенг жамоатчилик уларни кутиб олди. Сўнгра иштирокчилар танловнинг дастлабки кунда бажаришлари лозим бўлган шартлар билан таништирилди. Кўрик-танловга старт берилгандан кейин ғолибликка даъвогарларнинг ҳар бири тест синови орқали 20 та саволга жавоб беришга ҳаракат қилди.

Куннинг иккинчи ярмида тадбир вазирлик биносида давом этди. Унда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Ҳидоятлов сўзга чиқиб, иштирокчиларга мазкур кўрик-танловнинг ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ва унинг мазмун-моҳияти тўғрисида тўхталиб, қисқа даврда бошқарув сервис компаниялар эришаётган ютуқлар, кўп қаватли квартираларда яшовчи аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш орқали яратиб берилаётган шарт-шароитлар хусусида таъкидлаб, бундай ҳаракатларнинг замирида давлатимиз раҳбари бошчилигида соҳада олиб борилаётган ишчил ислохотлар мужассамлигини эътироф этди.

Шунингдек, компаниялар фаолиятини янада кенг миқёсда ривожлантириш, бунинг учун улар олдида ҳали кўп-лаб изланишлар қилиниши лозимлиги ва ташаббуслар кўрсатиш тургани, айни пайтда бу борадаги ишлар айрим вилоятларда бошлаб юборилгани натижасида яхши самара бераётгани таъкидланган, танловда уларнинг фаол иштирок этишлари учун муваффақиятлар тилади.

Эътироф этиш керак, илк бор ўтказилаётган кўрик-танлов ғолиблигини кимматбахо совғалар ва биринчи ўринга муносиб қўрилган компанияни юртимизда ишлаб чиқарилган “Labo” автотомобили кутмоқда. Аслида республика босқичига чиққан ҳар бир компания ғолиб деган шарафли номга муносибдир. Шундай бўлсада, чин ҳақиқат улар олдида қўйилган шартлар қай даражада тўғри бажарилгани ҳамда маҳоратлари бўйича яқинда маълум бўлади. Тадбирнинг ўтиши ҳақида батафсил тайёрланадиган мақола газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

Ў мухбиримиз.



## Уй-жойларга ҳуқуқларни эътироф этиш бошланди

Давлатимиз раҳбарининг топшириқларига асосан қабул қилинган “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун 2024 йил 8 ноябрда қучга кирган.

Адлия вазирлиги мазкур қонун нормаларини мутасаддиларга, аҳолига етказиш бўйича изчил ишларни амалга оширди. Қонун ижроси билан боғлиқ масалаларда ҳам адлия органлари ходимлари кўмакчи бўлмоқда.

Мазкур тарихий аҳамиятга эга қонун ижросининг илк натижалари қайд этилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 апрель кунин республикада биринчи бўлиб Жондор туманидаги 5 нафар фуқаронинг яққа тартибдаги уй-жойларига ва улар жойлашган ер участкаларига нисбатан ҳуқуқларини эътироф этиш бўйича халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор Жондор туман ҳокими, Бухоро вилояти адлия бошқармаси ҳамда Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси раҳбарияти томонидан ўз егаларига тантанали равишда топширилди.

Қонун билан фуқаролар ва тад-

биркорларнинг мулкка бўлган ҳуқуқлари тан олинади, бозорда қонуний капитал айланиши пайдо бўлади. Фуқаролар ва тадбиркорларнинг мулкка бўлган ҳуқуқлари тан олинади. Фуқаролар ўртасидаги мулкчи низола, шу жумладан, мерос билан боғлиқ низолага ечим топилди.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий муаммолари (доимий рўйхатга қўйиш, моддий ёрдам олиш, мактаб, боғчага жойлаштириш) ҳамда бино ва иншоотларни коммунал тармоқларга улаш бўйича масалалар ҳал бўлади, деб ёздаи ЎзА мухбири Норгул Абдураимова.

Қонун ижроси доимий назоратга олинган бўлиб, республиканинг барча ҳудудларида режа – жадвал асосида ҳуқуқларни эътироф этиш бўйича маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари қабул қилинади. Қарорларнинг қонунийлиги эса адлия органларининг доимий эътиборида бўлади.

# 2 | Меъёрий ҳужжат

## Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда давлат архитектура назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат архитектура нazorатини амалга ошириш, ташкил этиш, ўтказиш, давлат архитектура назорати тадбирлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом ўзбошимчалик билан эғаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ жараёнга татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:
**бино** – функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, танчқ, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

**ваколатли орган** – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари;
**видеотехника воситалари** – видеокамера ва тасвирга олиш техника воситалари ҳамда мобил қурилмалар;
**давлат архитектура назорати** – аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари-га, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш, шу жумладан, ўзбошимчалик билан қурилган (қурилаётган) бино ва иншоотни (капитал бино ва иншоот, вақтинча ва энгил турдаги қурилмалар) аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи;

**енгил турдаги қурилмалар** – энгил конструкциялардан иборат, ҳар томонлама ёпиқ ёки бир қисми очик, 0,5 метрдан чуқур бўлмаган қолатда тошдан ёки гипсдан терилган пойдеворларга эга, тўлиқ ечиб олиш (доналаб ўпириб олиш) ва кўчириш имконияти мавжуд объектлар;
**иншоот** – ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш, моддий капиталликларни жойлаштириш ва сақлаш, одамларнинг вақтинча бўлиши (ҳаракатланиши), шунингдек, ускуналар ёки коммуниқацияларни жойлаштириш (ўтказиш, улаш) учун мўлжалланган, танячқ, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажимий, ясси ёки чизақ тарзидаги қурилиш тизими;

**капитал бино ва иншоот** – объект барпо этилиши учун ер участкасига мулк, ижара ёки доимий фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд бўлган, зарур рўхсат берувчи ҳужжатлари олинган ҳамда муқим муҳандислик коммуниқациялари ўтказилган (зарур бўлганда), шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда махсус мослаштирилган (чуқурлаштирилган ва бошқа ҳолатдаги) пойдеворларга ўрнатилган қурилиш тизими;

**Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоот** – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасида архитектура ва қурилиш соҳасидаги тегишли рўхсат берувчи ҳужжатларсиз, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини бузган ҳолда, шу билан биргаликда, объект қурилиши назарда тутилмаган ер участкасида қурилаётган ёки қуриб бўлинган капитал ҳамда энгил конструкцияли бино ва иншоотлар, шу жумладан, ерости иншоотлари.

4. Юридик ва жисмоний шахслар, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш давлат архитектура назоратининг асосий вазифаси ҳисобланади.

5. Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни бартараф этиш бўйича судларга даъво аризалари ваколатли орган томонидан киритилади.

6. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни бартараф этиш ишларини ваколатли орган билан биргаликда ташкил қилади.

**2-боб. Давлат архитектура назоратини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**
7. Ваколатли орган томонидан давлат архитектура назорати қуйидаги асосларга кўра ўтказилади:
мониторинг жараёнида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликнинг бўзилиши аниқланганда;

жисмоний ёки юридик шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик бўзилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаат келиб тушганда;

жисмоний ёки юридик шахсларга шаҳарсозлик фаолияти учун ажратилган ер майдонларида ўзбошимчалик билан қурилиш ишлари амалга оширилганлиги (ошираётганлиги) аниқланганда;

икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан баянд ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортйқ бўлган якка тартибдаги уй-жойларни, шунингдек, 300 метр кубдан кўп ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотлар лойиҳа ҳужжатларининг

экспертизадан ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияларида (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар) рўйхатдан ўтказилмаганлиги аниқланганда;

икки қаватгача (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан паст ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метргача бўлган якка тартибдаги уй-жойларни, шунингдек, 300 метр кубдан кам ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотлар қуриш лойиҳаси туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари билан келишилмаганда;

бино ва иншоотларнинг жойлаштирилиши ва қурилиши аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларга ёки мастер-режаларга мувофиқ бўлмаганда;

оммавий ахборот воситалари ёки бошқа ташки манбаларда (ижтимоий тармоқлар ва веб-сайтларда) шаҳарсозликка оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлардан шаҳарсозликка оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида далолат берувчи ахборот келиб тушганда.

Ваколатли орган шаҳарсозликка оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳужжатлар тўғламини шакллантириш, уларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқиш бўйича ҳужжатлар (маълумотлар) электрон ҳужжатлар алмашинуви “Shaffof Qurilish” миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Shaffof Qurilish” MAT) орқали амалга оширилади.

8. Жисмоний ва юридик шахслар ўзбошимчалик билан қурилган (қурилаётган) бино ва иншоотларни видеотехника воситалари орқали қайд этиб фото-видео материалларни ваколатли органга кўриб чиқиш учун “Огоҳ фуқаро” платформаси орқали юборишлари мумкин.

Бунда келиб тушган мурожаатлар тегишлилигига кўра ваколатли органга “Огоҳ фуқаро” платформаси орқали юборилади.

9. Ҳудудий инспекциялар ўзбошимчалик билан қурилган (қурилаётган) бино ва иншоотлар тўғрисида “Shaffof Qurilish” MAT орқали ваколатли органга хабарнома юбориши мумкин.

Бунда келиб тушган хабарнома тегишлилигига кўра ваколатли органга “Shaffof Qurilish” MAT орқали автоматик тарзда юборилади.

10. Ваколатли орган давлат архитектура назорати тадбирлари “Yagona davlat nazorati” ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилини хабардор этган ҳолда амалга оширилади.

Бунда давлат архитектура назорати ташаббуси “Xavfni tahlil qilish” электрон тизими натижалари асосида бидирилади.

**3-боб. Давлат архитектура назорати тадбирлари иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**
12. Давлат архитектура назоратини амалга оширувчи ваколатли орган, давлат архитектура назорат тадбири ўтказилаётган юридик шахснинг мансабдор шахси ёки унинг вакили ёхуд жисмоний шахс назорат тадбирининг иштирокчилари ҳисобланади.

13. Давлат архитектура назоратини амалга оширишда ваколатли орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юрдик ва жисмоний шахслардан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб қилиш;
давлат архитектура назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

зарур ҳолларда давлат архитектура назорати тадбирларида юзага келган масалаларни тушунтириш учун махсус билмиларга эга бўлган республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини белгиланган тартибда жалб қилиш;
давлат архитектура назорати тадбирлари жараёнларини фото ва видеотасвирга тушириш, шунингдек, учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан белгиланган тартибда фойдаланиш (учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан фойдаланиш қонунчилик ҳужжатларида тақиқланган ҳоллар бундан мустасно);
давлат архитектура назорати масалаларига юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар, маълумотлар ва тушунтиришлар олиш;

давлат архитектура назорати тадбирларини ўтказишда давлат органлари ва

бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларини ва жисмоний шахсларни давлат архитектура назорати билан боғлиқ масалаларда тушунтиришлар бериши учун қақриши;
давлат архитектура назоратини амалга оширишга тўқсинлик қиладиган ҳаракатларнинг олдини олишда ёки уларни тўхатишда, шунингдек, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахсларни аниқлашда ички ишлар органларига мурожаат қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига, шунингдек, жисмоний шахсларга давлат архитектура назорати соҳасида аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш.

Давлат архитектура назоратини амалга оширишда ваколатли орган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Давлат архитектура назоратини амалга оширишда ваколатли орган қуйидагиларга мажбур:

давлат архитектура назорати амалга оширилаётган юридик шахснинг мансабдор шахси ёки унинг вакилига ёхуд жисмоний шахсга ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиш;

юрдик шахснинг мансабдор шахси ёки унинг вакилини ёхуд жисмоний шахсини давлат архитектура назорати мақсади ва уни амалга ошириш асослари билан таништириш;

юрдик ва жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;
қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

15. Давлат архитектура назорати тадбири ўтказилаётган юридик шахснинг мансабдор шахси (вакили) ёки жисмоний шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:
ваколатли органнинг назорат масалаларига алоқаси бўлмаган талабларини бажармаслик;

ваколатли органга архитектура тўғрисидаги қонунчилик ижросига тааллуқли масалалар бўйича тушунтиришлар бериш;
ваколатли органнинг рўхсати билан экспертизага ўтказишда иштирок этиш ва экспертга тушунтиришлар бериш ҳамда экспертнинг ҳулосаси билан танишиш;
давлат архитектура назорати материаллари билан танишиш ва назорат далолатномасини олиш;

ваколатли органнинг моддий вақтинчалик ҳатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш.
Давлат архитектура назорати амалга оширилаётган юридик шахснинг мансабдор шахси ёки жисмоний шахс қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Давлат архитектура назорати тадбири ўтказилаётган юридик шахснинг мансабдор шахси (вакили) ёки жисмоний шахснинг мажбуриятлари:

ваколатли органнинг давлат архитектура назорати билан боғлиқ қонуний талабларини бажариш, уларнинг мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўқсинлик қилмаслик;

ваколатли органга назорат билан боғлиқ ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш имкониятини яратиш;

назорат тадбирини ўтказувчининг талабига кўра шаҳарсозликка оид ҳужжатларни тақдим этиш;

юрдик шахснинг мансабдор шахси ёки жисмоний шахс ўз зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

**4-боб. Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш ва судларга даъво аризаларини киритиш тартиби**

17. Қуйидагилар:
Ваколатли орган томонидан ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ;

ўзбошимчалик билан қурилган (қурилаётган) бино ва иншоотлар тўғрисидаги хабарнома ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема асосида берилади.

18. Ваколатли орган ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни мустақил равишда ёки бошқа органлар билан биргаликда аниқлаб боради.

19. Ваколатли орган “Огоҳ фуқаро” платформаси ҳамда “Shaffof Qurilish” MAT орқали келиб тушган хабарномалар асосида бир иш куни ичида ушбу Низомда белгиланган тартибда назорат ишларини амалга ошириб, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди.

20. Ваколатли орган Қосмик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги томонидан давлат қосмик мониторинги доирасида олинган ва тақдим этилган аэрокосмик суратлар ёки уларнинг қайта ишланган маълумотларини таҳлил қилиб, ўзбошимчалик билан эғалланган ва ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотлар эхти-моли юқори бўлган худудларни белгилаб, “Shaffof Qurilish” MAT орқали ҳудудий бўлинмаларга ўрганиб чиқиш учун юборади.

21. Ваколатли орган бир иш куни ичида:

аниқланган ҳолатлар бўйича “Shaffof Qurilish” MATдан фойдаланган ҳолда,

**Вазирлар Мақҳамасининг 2025 йил 28 мартдаги 192-сон қарорига 1-илова**

5-бандда келтирилган асосларга кўра давлат архитектура назоратини ўтказади;
объектни қуриш учун қонунчиликда назарда тутилган рўхсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда қурилиш ишлари шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга оширилаётганлиги(оширилганлиги)ни аниқлайди;

ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни қурган шахсга маъзур қурилишнинг ноқонунийлиги ва унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида батафсил тушунтириш бериб, объектни 15 кун ичида ихтиёрий равишда бартараф этиш тўғрисида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги кўрсатма хати беради ва шу куннинг ўзида тўпланган материалларни планшетдан фойдаланган ҳолда, “Shaffof Qurilish” MAT орқали ваколатли органга юборади.

22. Ваколатли орган “Shaffof Qurilish” MAT орқали келиб тушган ҳужжатларни бир иш куни ичида текшириб, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан “E-ma’muriy ish” AT орқали Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, маъмурий жазо чорасини қўллаш масаласини кўриб чиқади.

23. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни тасаруф этишга нисбатан автоматик тарзда тақиқ қўйилиши учун “Shaffof Qurilish” MAT орқали реал вақт режимида Кадастр агентлигининг “UzKAD” ахборот тизимига юборилади.

24. Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни аниқлаган ваколатли орган 15 кун муддат тугаганидан сўнг, икки иш куни мобайнида ихтиёрий бартараф этилганлигини жойига бориб текширади.
Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоот ихтиёрий бартараф этилган тақдирда, бу ҳақида уни қурган шахс, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, уни аниқлаган ваколатли орган иштирокида далолатнома тузилади.

Далолатнома ваколатли орган томонидан бир иш куни ичида “Shaffof Qurilish” MATга юборилади.

Ваколатли орган ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотнинг ихтиёрий бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотни мол-мулкка қўйилган тақикни олиб ташлаш учун Кадастр агентлигининг “UzKAD” ахборот тизимига “Shaffof Qurilish” MAT орқали реал вақт режимида юборади.

25. Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни қурган шахс уни ўн беш кун муддат ичида ўз ҳисобидан бартараф этиши шарт.

Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни қурган шахс томонидан ушбу объектга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида судга даъво берилган тақдирда, даъво берилган кундан бошлаб суднинг тегишли қарори кучга киргунга қадар ушбу объектнинг бартараф этилиши вақтинча тўхтатиб турилади.

26. Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни ихтиёрий равишда бартараф этиш учун берилган 15 кун муддат тугагандан сўнг, ихтиёрий бартараф этилмаган тақдирда, ваколатли орган “Shaffof Qurilish” MAT орқали Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, бино ва иншоотни бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисида даъво аризасини судга киритади.

27. Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни бартараф этиш тўғрисидаги даъво аризасида ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган кўрсатма хати, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотнинг жойлашув схемаси, бино ва иншоотнинг фотосуратлари (камида тўрт томонидан туширилган) ҳамда процессуал қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар билан қилинади.
28. Жарималардан тушадиган маб-лағлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказилади ҳамда уларнинг 25 фоизгача қисми ваколатли органнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ҳодимларини моддий рағбатлантириш учун ажратилади.

**5-боб. Давлат архитектура назоратини амалга оширувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги**

29. Ваколатли орган ўзига юкланган вазифаларни республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мулкдорлар ва мулкдан фойдаланувчилар Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни аниқлаш ва бартараф этишда ваколатли органга қўмаклашиши шарт.

**6-боб. Яқунловчи қоидалар**
30. Ушбу Низом талаблари бузилишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда давлат архитектура назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга 1-илова**

### Ваколатли орган томонидан ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш СХЕМАСИ

Субъектлар	Механизм	Муддатлар
Ваколатли орган ҳудудий бўлинмалари	Қосмик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги томонидан давлат қосмик мониторинги доирасида олинган ва тақдим этилган аэрокосмик суратлар ёки уларнинг қайта ишланган маълумотларини таҳлил қилиб, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотлар эҳтимоли юқори бўлган худудларни белгилаб олади.	Доимий
Ваколатли орган ҳудудий бўлинмалари	Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни қурган шахсга маъзур қурилишнинг ноқонунийлиги ва унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида батафсил тушунтириш бериб, объектни 15 кун муддатда ихтиёрий равишда бартараф этиш тўғрисида кўрсатма хати беради ва тўпланган материалларни планшетдан фойдаланган ҳолда, “Shaffof Qurilish” MAT орқали ваколатли органга юборади.	1 иш куни ичида
Ваколатли орган	“Shaffof Qurilish” MAT орқали келиб тушган ҳужжатларни текшириб, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан “E-ma’muriy ish” AT орқали Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, маъмурий жазо чорасини қўллаш масаласини кўриб чиқади.	1 иш куни ичида
Ваколатли орган ҳудудий бўлинмалари	Ўзининг кўрсатма хатида берилган 15 кунлик муддат тугаганидан сўнг, бино ва иншоот ихтиёрий бартараф этилганлигини жойига бориб текширади. <p>Бино ва иншоот ихтиёрий бартараф этилган тақдирда, бу ҳақида уни қурган шахс, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва ўзи иштирокида далолатнома тузади ва шу куннинг ўзида тўпланган материалларни планшетдан фойдаланган ҳолда, “Shaffof Qurilish” MAT орқали ваколатли органга юборади.</p>	15 кунлик муддат ўтган кундан кейин <p>2 иш куни мобайнида</p>
Ваколатли орган	Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотнинг ихтиёрий бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотни ушбу мол-мулкка қўйилган тақиқни олиб ташлаш учун Кадастр агентлигининг “UzKAD” ахборот тизимига “Shaffof Qurilish” MAT орқали реал вақт режимида юборади.	Реал вақт режимида
Ваколатли орган	Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоот бартараф этилмаган тақдирда, ваколатли орган “Shaffof Qurilish” MAT орқали Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212–моддаси учинчи қисмига мувофиқ қурилган бино ва иншоотни бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисидаги даъво аризасини судга киритади.	Ихтиёрий бартараф этилмаган тақдирда

### Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотлар тўғрисида

**Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда давлат архитектура назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга 2-илова**

### Ўзбошимчалик билан қурилган (қурилаётган) бино ва иншоотлар тўғрисида “Shaffof Qurilish” MATга хабарнома юбориш СХЕМАСИ

Субъектлар	Механизм	Муддатлар
Жисмоний ва юридик шахслар,	Ўзбошимчалик билан қурилган (қурилаётган) бино ва иншоотларни видеотехника воситалари орқали қайд этиб фото-видео материалларни ваколатли органга кўриб чиқиш учун “Огоҳ фуқаро” платформаси орқали юборади.	Ўз хоҳишига кўра
Ҳудудий инспекциялар	“Shaffof Qurilish” MAT орқали ўзбошимчалик билан қурилган (қурилаётган) бино ва иншоотлар тўғрисида хабарнома беради.	Доимий
“Огоҳ фуқаро” платформаси	Мурожаатлар тегишлилигига кўра ҳудудий бўлинмага юборилади.	Автоматик тарзда
“Shaffof Qurilish” MAT	Хабарнома тегишлилигига кўра ҳудудий бўлинмага автоматик тарзда юборилади	Автоматик тарзда
Ваколатли орган ҳудудий бўлинмалари	Мурожаатлар бўйича ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди.	1 иш куни ичида
Ваколатли орган ҳудудий бўлинмалари	Ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотни қурган шахсга маъзур қурилишнинг ноқонунийлиги ва унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида батафсил тушунтириш бериб, объектни 15 кун муддатда ихтиёрий равишда бартараф этиш тўғрисида кўрсатма хати беради ва тўпланган материалларни планшетдан фойдаланган ҳолда, “Shaffof Qurilish” MAT орқали ваколатли органга юборади	1 иш куни ичида
Ваколатли орган	“Shaffof Qurilish” MAT орқали келиб тушган ҳужжатларни текшириб, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан “E-ma’muriy ish” AT орқали Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, маъмурий жазо чорасини қўллаш масаласини кўриб чиқади.	1 иш куни ичида
Ваколатли орган ҳудудий бўлинмалари	Ўзининг кўрсатма хатида берилган 15 кунлик муддат тугаганидан сўнг, бино ва иншоот ихтиёрий бартараф этилганлигини жойига бориб текширади. <p>Бино ва иншоот ихтиёрий бартараф этилган тақдирда, бу ҳақида уни қурган шахс, фуқ</p>	

Ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда давлат архитектура назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга 3-илова

## Ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотни ихтиёрий равишда бартараф этиш тўғрисидаги КЎРСАТМА ХАТИ

(Ваколатли орган)

Ҳужжат тузилган сана: \_\_\_\_\_

20\_\_ й. \_\_\_\_ -сон

Кимга \_\_\_\_\_

Қурилиш объектининг номи \_\_\_\_\_

Объектнинг манзили \_\_\_\_\_

Текширилган кунда бажарилаётган ишлар \_\_\_\_\_

1.	Аниқланди	
2.	Берилган кўрсатмалар	
3.	Бартараф этиш учун муддат	
4.	Бажарилиши ҳақида белгилар	

Ваколатли орган Ф. И. О.

Вази́рлар Маҳкамасининг  
2025 йил 28 мартдаги 192-сон қарорига  
2-илова

## Шаҳарсозлик соҳасидаги қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва ноқонуний қурилмаларни аниқлаш ҳамда бартараф қилишни ташкил этиш бўйича Республика комиссияси ТАРКИБИ

- А. Ж. Раматов – Бош вазир ўринбосари, Республика комиссияси раҳбари
- Ш. С. Хидоятлов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири, Республика комиссияси раҳбарининг ўринбосари
- Ж. Ж. Хатамов – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари, Республика комиссияси раҳбарининг ўринбосари (қелишувга кўра)
- Б. Т. Абдуллаев – ички ишлар вазири ўринбосари
- И. И. Норқулов – иқтисодийёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
- А. А. Абдуҳакимов – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири
- Ш. Х. Шерматов – рақамли технологиялар вазири
- Б. Б. Қудратхўжаев – фавқулодда вазиятлар вазири
- Ж. Т. Мирзамаҳмудов – энергетика вазири
- И. Р. Маҳкамов – транспорт вазири
- А. Д. Ташқулов – адлия вазири
- М. Э. Эгамбердиев – Мажбурий ижро бюроси директори (қелишувга кўра)\*
- Ф. Ж. Пулатов – Кадастр агентлиги директори
- С. Қ. Эшқувватов – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи
- Б. Қ. Юсупалиев – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси
- Ш. М. Қодиров – Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги директори
- А. А. Аскарлов – “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси в.б.
- М. М. Ходжаев – “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси
- А. Х. Суванкулов – “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси в.б.
- А. Ш. Исаков – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси
- Лавозими бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вази́рлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари
- Т.Н. Алиматов – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари, комиссия котиби\*

**Изоҳ.** Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юқланган шахслар киритилади.

\* Магистрал газ ўтказиш қувурлари, юқори қучланишли электр тармоғи, сув ва иссиқлик таъминоти тизимларининг ҳимоя ҳудудларида жойлашган ноқонуний қурилмаларни бузиш билан боғлиқ суд қарорлари ижросини таъминлаш масалалари бўйича **Мажбурий ижро бюроси директори М. Э. Эгамбердиев** комиссия котиби вазифасини бажаради.

# “ҲУДУДГАЗ СИРДАРЁ” аҳолини рози қилиш учун ишлайди

Беҳзод АҲМАДҚУЛОВ,  
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилояти филиали мажлислар залида “Ҳудудгаз Сирдарё” газ таъминоти филиали томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Филиал раҳбарияти, ОАВ вакиллари, журналист ва блогерлар иштирок этган матбуот анжуманида 2025 йил бошидан бугунгигача қадар соҳада амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Таъкидланишича, “Ҳудудгаз Сирдарё” ГТФ томонидан истеъмолчиларга табиий газ таъминотини бир маромда етказиб бериш мақсадида Ховос туманидаги “Пахтакор” МФИда яшовчи 376 та аҳоли хонадонига регулятор қурилмаси ўрнатилди. Узунлиги 1,0 километр ҳажмли ҳар хил диаметрдаги газ қувурлари янгиларига алмаштирилди. “Мустақиллик” ва “Тинчлик” МФИдаги 1,6 километр газ қувурлари бўялди. Шунингдек, жорий йилда вилоят ҳудудидаги ички газ қувурларини тартибга келтириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Боёв туманининг “Жўлангар” МФИда аҳоли билан ҳамкорликда 4,0 километр, Мирзаобод туманининг “Наврўз” МФИда 8,3 километр, Бахт шаҳрининг А. Навоий номи МФИда 11,2 километр газ қувурлари монтаж қилиниб, гидравлик жиҳатдан тартибга келтирилди.

Булардан ташқари, 2025 йил бошидан Ховос туманининг “Қаҳрамон”, “Пахтакор” ҳамда “Бўстон” маҳаллаларидаги 222 та хонадоннинг ҳовли ичидан ўтган газ қувурлари кўча қисмига



чиқарилиб, демонтаж-монтаж ишлари амалга оширилди. Ҳозирда ушбу ҳудуддаги таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Ховос туманининг “Соҳибкор” МФИдаги турли диаметрдаги ер ости газ қувурлари ўрнига 8,5 километр бўлган ер усти газ тармоғи тортилиб, истеъмолчиларни бир метрда табиий газ билан таъминлаш имконияти яратилди.

Бугунги кунда сирдарёлик газ истеъмолчиларининг 81 770 дан ортиғини суълтирилган газ истеъмолчилари ташкил этмоқда. Йил бошидан бери аҳолига 3390,28 тонна суълтирилган газ етказиб берилди. Истеъмолчиларга 2 та газ тўлдириш шохобчалари орқали суълтирилган газ етказиб бериш йўлга қўйилган бўлиб, уларга 21 донна махсус маиший газ баллони ташувчи автотранспорт хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, “Сайхунобод” газ тўлдириш шохобчаси вилоятнинг Боёв, Ховос, Оқолтин, Гулистон, Сардоба, Мирза-

обод ва Сайхунобод туманларига, “Сирдарё Пропан ГНС” газ тўлдириш шохобчаси эса Сирдарё тумани ва Бахт шаҳри истеъмолчиларига хизмат кўрсатади.

Айни баҳор фасли ҳукм сурган паллада ҳар бир инсон қалбига яратувчанлик ва яшнаттиш туйғуси жўш уради. Бу жараёндан филиал жамоаси ҳам четда қолаётгани йўқ. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Ҳудудгазтаъминот” АЖ томонидан Сардоба туманидаги 5 га ер майдонида 5 минг туп мевали дарахт кўчатлари экилди. Экилган дарахтлар замонавий усулда – томчилатиб суғориш тизими ёрдамида парвартиш қилиняпти. Бу эса сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш ва кўчатларнинг самарали ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан “Камбағалликдан фаровонлик сари” тамойили асосида чора-тадбирлар белгилаб берилди. Ана

шу вазифалардан келиб чиқиб, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ Бошқаруви раиси Маъруфхон Ходжаев Сардоба туманидаги 4 та МФИ раисига туман ҳокими ва сектор раҳбарлари билан биргаликда керакли 4 донна минн трактор, 4 донна витринали музлатгич ва 4 донна компьютер жамланмасини топширди. Қолаверса, жамяят томонидан Сардоба туманидаги Хамид Олимжон номи оилавий шифокорлик пунктига ҳам амалий ёрдам кўрсатилгани кўпчиликини қувонтирди. Хусусан, шифокорлик пунктига янги мебель жиҳозлари ва маиший техника воситалари олиб берилди. Ушбу ташаббус табиий хизмат сифатини ошириш ва маҳаллий аҳолининг соғлиғини яхшилашга қаратилган бўлиб, табиийёт ходимларига қулай иш шaroитларини яратишга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида ОАВ ходимлари, журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.



Зулфизар МАВЛОҢОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қуёш электр станцияси – экология ва иқтисодийёт учун манфаатли лойиҳалардан бири. Ҳозирги даврда энергия ресурсларига талаб ошиб бормоқда. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш нафақат экологик, балки иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ташаббус кўрсатиб, Қоровулбозор туманида 3,5 мегаватт қувватга эга қуёш электр станциясини ишга туширди. Янги энергия манбаи – завод фаолияти ва иқтисодийёт учун муҳим қадам бўлади.

Мамлакатимизда анъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш харажатлари ортиб бораётган бир шароитда, қайта тикланувчи энергияга ўтиш стратегик аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2023 йил 6 июндаги завод ва бошқармалари ҳамда корхоналарида энергия тежамкор қурилмаларни харид қилиш ва ўрнатилишни жадаллаштириш тўғрисида”ги буйруғи шу йўналишда амалга оширилаётган ишларга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Қолаверса, мамлакатимизда мавжуд саноат корхоналарини муқобил энергия билан таъминлаш бўйича кенг қўламли лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи томонидан қурилган қуёш электр станцияси ана шундай ташаббусларнинг амалий ифодасидир. Бу энергия тежамкорлиги ва экологик тозалани таъминлашга қаратилган инновацион лойиҳалардан бири ҳисобланади. Уч гектар майдонни эгал-

лаган станция бир йилда 3,5 мегаватт соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу эса заводнинг электр энергияга бўлган талабини деярли тўлиқ қоплайди.

Бундан ташқари, завод бино-иншоотларини иссиқ сув билан таъминлаш учун қуёш сув иситтичлари ҳам ўрнатилган. Нагижда заводнинг электр энергия харажатлари сезиларли даражада камайиши кутилмоқда. Шунингдек, экологик жиҳатдан ижобий кўрсаткичга эришилади. Бу нафақат завод фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди, балки аҳоли турмуш фаровонлиги ва мамлакат иқтисодийётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш қувватини оширишга хизмат қилади.

Қуёш электр станциясининг барпо этилишида “Ogma projects” корхонаси пудратчи сифатида, “ARH Grand projects” хусусий корхонаси эса лойиҳачи сифатида фаол иштирок этди. Ушбу компаниялар лойиҳани муваффақиятли амалга оширишда катта ҳисса қўшишди.

Бугунги кунда муқобил энергия манбаларига ўтиш завод фаолиятининг самарадорлигини ошириш, қолаверса, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқтисодий тежамкорлиқни таъминлаш учун ҳам долзарб масала ҳисобланади. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида амалга оширилган бу лойиҳа мамлакатимизда саноат соҳасидаги “яшил технологиялар”нинг ривожланишига ёрқин мисол бўла олади.

## Янги объектлар фойдаланишга топширилди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида янги қуриб битказилган талабалар турар жойи, спорт мажмуаси ва катта спорт майдонларининг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Айни пайтда институтда 16 мингга яқин талаба таҳсил олаётган бўлиб, улардан 1700 га яқин ёшлар талабалар турар жойларига қамраб олинган. Институтнинг янги қуриб битказилган 3-сонли талабалар турар жойи 500 ўринга мўлжалланиб, талабаларнинг ётоқхоналарга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Талабалар турар жойи қурилиши учун институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 23 миллиард 704 миллион сўм маблағ ажратилди ва қурилиш ишлари сифатли равишда олиб борилди.

Бу ерда талабаларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар мавжуд. Хусусан, ахборот-ресурс ва IT марказлари, хорижий тилларни ўрганиш ва тикувчилик тўғрарақлари, шахмат клуби, маънавият хоналари ёшларнинг билим ва қобилиятларини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу билан бирга, киришонлиги бўлган талабалар учун ҳам махсус хоналар ажратилиб, зарур кулайликлар яратилган.

Тадбир доирасида институтнинг футбол, гандбол ва баскетбол спорт турларига ихтисослашган замонавий спорт мажмуасининг рамзий тасмаси ҳам кесилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур спорт мажмуасининг қурилиш-реконструкция ишлари учун институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 4 миллиард 438 миллион сўм ажратилди. Шу билан бирга, тадбирда институтнинг футбол ва енгил атлетика спорт турларига ихтисослашган катта спорт май-



дони ҳам фойдаланишга топширилди. Умумий 300 та томошабин ўрнига мўлжалланган спорт майдони институтнинг янги ўқув биноси ортидаги бўш турган ер майдонида барпо этилиб, бу ерда 6 миллиард 199 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Ушбу спорт иншоотлари институтда спорт билан мунтазам шугулланидиган талаба-ёшлар сонини янада оширишга хизмат қилади.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар, янги объектларнинг Наврўз умумхалқ байрами ва Рамазон ҳайити арафасида фойдаланишга топширилиши институт жамоаси учун байрам совғаси бўлганини алоҳида таъкидлашди. Тадбир иштирокчилари фойдаланишга топширилган янги объектларда яратилган шароит ва имкониятлар билан танишишди.

## Яхши хизмат рағбатга лойиқ

Нигора НОЗИМЖОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари фаолияти бутун кўпчиликка таниш. Ҳаётга татбиқ этилганига ҳали кўп бўлмаган бу тизимнинг афзалликларини тўлдирилиши керак бўлган жиҳатлари юзга чиқди. Умуман олганда, бу тадбиркорлик фаолияти ва уни мақдлатлар бошқаради.**

Аввало айтиш жоиз, бошқарув сервис компаниялари мулкдорлар ширкати каби атроф-муҳит тозаланиш кувурлар таъмири билан банд бўлиб қолмайди. Унинг замонавийлиги шундаки, кўплаб хизмат кўрсатиш турларини маҳалланинг ўзида ташкил этиш, имкониятлардан унумли фойдаланиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва қўлайлик яратиш асосий вазифалардан. Масалан, кўп қаватли уй атрофида озик-овқат дўконларига қўшимча тарзда новвойхона, сартарошхона, пойабзал тузатиш шохобчаларининг бўлиши одамлар узогини яқин қилади. Ертўлада ўқув марказлари, хунармандчилик устaxonалари, дезинфекция хизматлари, гўзаллик салонларини йўлга қўйиш тажрибадан ўтган.

Бундай ёндошув кўплаб бошқарув сервис компанияларига юқори самара бериб, компанияларга даромад келтирмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 4 августдаги "Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни такомиллаштириши бу борада замона мос фаолият юритишни қўлаб-қувватлайди.

Бугунги замона хос тарзда аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатишни мақсад қилган бошқарув сервис компанияларидан бири пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган "Exclusive House Service" компанияси маҳалладаги 51 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Бу ерда ишлар қандай ташкил этилганини унинг офисидан ҳам билса бўлади. Самардорликни ошириш мақсадида компания аввало ходимлар учун яхши шароитлар хозирлаган. Ишчи-ҳодимлар

сони 90 га яқин. Ободонлаштириш, сантехника, электрик, кўриқлаш ва диспетчерлик ходимлари ҳар куни шу ерга жам бўлади. Себзор, Юқори Себзор, Янги Себзор маҳалласи аҳолисининг ҳудуд ободлиги ва коммунал муаммоларини ҳал этиш учун мурожаат этишга аниқ манзил бор.

2022 йилда ташкил этилган компания кўп қаватли уйларни сақлаш, одамларнинг муаммоларини ҳал этишда юқори сифат ва тезкорликка эътибор қаратмоқда.

Компаниямиз ташкил этилгандан бери сантехник, электриклар 24/7 режимида фаолият юритиб келмоқда, - деди компания раҳбари Гулчехра Маназарова. - Диспетчерлик тизими жорий этилган, аҳолининг муаммоларини тезкорлик билан бартараф этишга имкон яради. Кўп қаватли уйларнинг ҳозир 80-90 фоиз ертўлалари таъмирланиб, электр шитлари, кабеллар янгиланди. Томлар профнастил, фольгоизол билан тўлиқ қопланди. Иш фаолияти самарадорлигини ошириш учун тажрибали сантехник, электрик каби соҳа мутахассисларимиз бор. Шунингдек, компанияда омондорлик мавжуд бўлиб, унда етарли материаллар бор. Шахта ёки ертўлаларда қандайдир муаммо юзасидан мурожаат тушса, тезкорлик билан ҳал этилмоқда.

Ўтган давр мобайнида барча кўп қаватли уйларнинг ертўла қисми намунали ҳолга келтирилди. Электр шитлари алмаштирилиб, сув кувурларининг зулфи янгиланди. Бугунги кунда том ёпиш ишлари кетмоқда. Авваллари кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг асосий муаммоси томдан сув ўтиши ва ертўлалардаги сув тошқинлари билан боғлиқ бўларди. БСК ана шундай муаммолар-



ни эндиликда бартараф этмоқда. Мазкур БСК томонидан 2024 йилда Юқори Себзор маҳалласидаги 7 та 4-5 қаватли уйларнинг том қисми ёпилди, бугунги кунда эса 8-кўп қаватли уйнинг томи ёпиш жараёни кетмоқда. Ўтган икки йил давомида БСК томонидан ободлик, коммунал тармоқларни мустақамлашга катта эътибор қаратилди. Эндиги муҳим вазифа ҳудудда кўп тармоқли сервисни ташкил этиш. Ертўла-лардан самарали фойдаланиш орқали янги хизмат турларини йўлга қўйиш. Бу орқали аҳоли бандлигига ҳам анча қўмақлашди.

Мазкур БСК йирик ташкилот бўлиб, Тошкент шаҳрида унинг 2 та филиали бор. Яққасарой туманидаги бир қанча кўп қаватли уйларга ҳам хизмат кўрсатади. Бу ерда ноодатий тарзда болалар майдончаси, бассейнлар бинонинг тўрт қаватли қисмининг томига жойлаштирилган. Шунингдек, уйнинг энг юқори том қисмига қуёш панеллари ўрнатилган. Бу эса кўп қаватли уйнинг электр сарфининг маълум қисмини қоплайди. Ертўлада автомашиналарга хизмат кўрсатуви сервис йўлга қўйилган. Кейинги вақтларда бундай ёндошувлар орқали тармақларни ошириш ва бандликни таъминлаш яхши самара бермоқда.

Ўчтепа туманидаги "AGMM KIMYO" бошқарув сервис компанияси ташкил топганига кўп бўлмади. Қисқа вақт ичи-

да бу ерда ташкилотнинг маъмурий биноси барпо этилди. Унинг ён томонида эса новвойхона ҳам жойлаштирилган. Компания 2103 та хонадонга эга 41 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Ишчи-ҳодимлар сони 25 нафар. Аҳолига 38 хилдаги хизматлар кўрсатилади. Қўшимча тарзда эса қурилиш чиқиндилари ташини, дезинфекция хизматлари ҳам йўлга қўйилган. БСК компаниясида автоматбилар ва бошқа техникалар ҳам мавжуд. Бу тўрт фаслда ҳам аҳолига хизмат кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда яшовчилар амалга оширилаётган ишлар хусусида БИЛЛИНГ тизими орқали хабардор бўлиш мумкин. БСК томонидан 2024 йилда 35 та уйнинг том қисми, 12 та уйнинг фасад қисми таъмирланди. 35 та уйнинг ертўла, коммунал тармоқлари ҳамда 45 та электр тақсимловчи шитлар янгирилган. Шунингдек, бугунги кунда хонадонларнинг тик қувурларини алмаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда маҳалла ҳудудининг ободлиги аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектларида коммунал соҳа билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда янги бошқарув тизимига ўти-лаётгани ўз самарасини бермоқда. Шу нуқтага назардан, Хуросон маҳалласида ҳам коммунал масалаларни ҳал қилиб, ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бугунги кунда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида жуда юқори имкониятларимиз мавжуд, - деди компания бош муҳандиси Алишер Сатимов. - Жумладан, аҳолидан тушган мурожаатларни тез ва самарали бажаришга катта эътибор берганмиз. Бунинг учун 24/7 хизматини ташкил этганмиз. Кувурларни алмаштириш, оқова сув тармоқларини янгилаш, электр ва том ёпиш хизматлари бажариб келинмоқда. Кўп қаватли уй атрофларини тоза-озода тутиш бўйича хизматларимиз бор. Мутахассисларимиз етарли, жумладан, сантехник, электриклар, пайвандчилар фаолият юритиб келади. Даромадни ошириш мақсадида бир қатор ташаббусларга қўл урганмиз. Янги хизмат турларини ташкил этиб, иш ўринларига аҳолини жалб қилиш мақсадида.

Бошқарув сервис компаниялари қисқа вақт мобайнида аҳоли ишончини қозонмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмайдиган албатта. Айтиб ўтганимиздек, бу икки томоннинг манфаати эвазига амалга оширилмоқда. Қолаверса, БСКларнинг тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратилган. Асосий мақсад, одамлар учун қўлай инфратузилма яратиш, кўп қаватли уйлар атрофини обод қилиш, коммунал тармоқларни сақлашдан иборат. Бу борада бошқарув сервис компаниялари томонидан замонавий ёндошув ва ақли ечимлар талаб этилади.

## Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию  
Проекта "Развития сельской инфраструктуры" и намерено направить часть выделенных средств на выплаты по контракту для Подрядных работ по следующему объекту:

№	Наименование объекта	Номер контракта	Стартовая стоимость работ (сум без НДС)	Срок выполнения работ (календарных дней)
1.	Асфальтирование внутренних дорог V-категории в МСГ "Янги кишлоқ" Бустанского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-W-56	7 281 660 830	140

## ГУП Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при областном хокимияте Андижанской области

приглашает подрядчиков принять участие в Торгах на выполнение вышеописанных Работ. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленных в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов - в размере двух БРВ (базовая расчетная величина).

Тендерные предложения должны быть действительными в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением (не менее 2% от стартовой стоимости объекта) в виде бан-

ковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16:00 часов 25 апреля 2025 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.

Адрес для подачи предложений: Андижанская обл., г. Андижан пр. А. Навои, дом 30 (1-этаж, 103-кабинет), ГУ "Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области".

Тел./факс: (99874) 223-57-05.  
E-mail: andijon.tender@mail.ru  
Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топволдиев.

## ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти Паркент туманида барпо этилаётган кўп хонадонли турар жойларни сотиш ишларини ташкиллаштириш учун хизматларни шартнома асосида кўрсатувчи ташкилотларни танлаб олиш бўйича

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик, кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш, кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш истигида бўлган ташкилотлар таклифлари қабул қилинади. Энг юқори рейтингга эга ва самарали иқтисодий таклифлар киритган ташкилотлар танлов фойлиби сифатида танланади. Таклифлар 2025 йилнинг 7 апрелига қадар Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Обжувоз" МФЙ, А. Навоий кўчаси, 221-уй манзилида "Parkent Dream" МЧЖ офисида қабул қилинади. Маълумот учун телефон: 90-319-79-99.

## "KHOREZM INVEST PROJECT"

МЧЖ  
Инвестиция компанияси  
савдоларга таклиф этади!

Сотувга Инвестиция компанияси балансида бўлган Хоразм вилояти Урганч тумани, Ғойбу кишлоғи, Оёқбоғ маҳалласи ҳудудидаги бинода жойлашган, 2021 йилда ишлаб чиқарилган ош тузи ишлаб чиқариш ускуналари жамланмиси қўйилмоқда.  
Манзил: Хоразм вилояти Урганч тумани, Ғойбу кишлоғи, Оёқбоғ маҳалласи.  
Мўлжал: Урганч-Хива йўлида аҳолига газ тўндириш эски шохобчаси.  
Тел.: 62-223-17-79, 97-221-55-57.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ

муборак бўлсин!

2025 йил апрель ойининг 4-7 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Пудрат бозори ҳамда тендер, рейтинг ва бюртмачи тизимини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Дилмурод Элибоев, Иқтисодий ислохотлар ва стратегик режалаштириш бўлими бош мутахассиси Хасан Джумаков, Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Саидмурод Тулашов,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ бош мутахассиси Антон Вергунов, кутубхоначи Галина Никольчук, "Хоразм" филиали лойиҳа бош архитекторлари Камолитдин Ҳакимов, Зоҳиджон Болтаев,

"Ташгирпрогор" АЖ бош бухгалтери Марьяна Курбанова, "Ўзгирсанойлохид" АЖ ОАВПиЭА бош мутахассиси Шохсанам Мамаджанова,

"O'zshaharsozlik LITI" bosh loyiha instituti ДМ Йўл ва ҳудудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими муҳандиси Сухробгон Абдужалилов, "Хоразм" филиали лойиҳа бош архитектори Умрбек Рузметов,

"Qo'qon Loyiha Qurilish" МЧЖ техник-курувчи Абдулазиз Мирзаахмедов, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиқ ёрдамчиси Баҳадир Бахиев,

Андижон вилояти Шахрихон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси Пуллатжон Абдуллаев, фаррош Одинахон Усманова,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори Азизжон Ҳомидов, лаборант Фирдавс Ҳамроев,

Сурхондарё вилояти Бандхон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Искандар Бекназаров, Жарқўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси Соатмурод Хайитов,

Хоразм вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси махсус ва архив ишлари бўйича бош мутахассиси Мархабо Бекчанова,

Тошкент шаҳар "Veolia Energy Tashkent" ХК МЧЖ Режа-техник бўлими бошлиғи Алексей Пилипчук,

Андижон вилояти Асака туманидаги "Асака хусусий уйлар" МЧЖ БСК бош директори Ҳаётбек Сидиков,

Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги "Шухрат Бошқарувчи Компанияси" МЧЖ БСК бош директори Шухрат Элмуродов,

Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги "Bekobod-Ideal-Kommunal-Servis" МЧЖ БСК бош директори Аҳдам Умаров, Янгийўл шаҳридаги "Эсат Эверест Курувчи" МЧЖ БСК бош директори Султонназар Машарипов,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Maxmudjon Muxtorov Servis Partners" МЧЖ БСК бош директори Феруза Махмарасулова, Учтепа туманидаги "Iqbol - Nur Servis Plyus" МЧЖ БСК бош директори Рамзиддин Ахмедов, Шайхонтоҳур туманидаги "Обод турмуш ҳамкор" МЧЖ БСК бош директори Барно Элтоева,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "ЖК-Мироншоҳ" уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи Елена Озолина, "Чимкент-сервис" уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи Алишер Мирахмедов

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Мирзакалон Исмоилий" уй-жой мулкдорлари ширкати (собиқ Пушкин - Салар маҳалласи 6-уй) раиси Зебо Якубоваларни таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA  
O'ZBEKISTON  
BUNYODKORI  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,  
(Тахрир хайъати раиси),  
Давронжон Адиллов,  
Тоир Алиматов,  
Озода Жўраева,  
Сирожиддин Эшқувватов,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Бобир Элмуродов,  
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир Дилшод  
Жалолов

Бош муҳаррир Райҳона  
Ҳўжаева

Саҳифаловчи Акмал  
Махкамов

Мусакххх Марҳамат  
Муслимонкулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"  
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ"  
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСАЛИРИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги,  
"Ўзсанойқурилишматериаллари"  
уюшмаси, "ЎзГАНКЛИТИ" ДУК,  
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК,  
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,  
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 18-уй.  
Телефонлар:  
71-241-01-29 (кабулхона),  
71-241-01-43 (тахририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна  
бўлими).  
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ  
МУХБИРЛАРИНИНГ  
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон  
Республикаси: 90-658-50-43.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0874-рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Нашр индекси - 466.  
Буюртма - Г-441.  
2047 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида  
босилган. Баҳоси келишилган  
нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга  
келган қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.  
Газета тахририят компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига  
"Шарқ" нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир -  
Р. Ҳўжаева.  
Навбатчи -  
А. Этамбердиев.

Ўза якуни - 22.25.  
Тошпирилди - 23.00.